

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**“Қишлоқ ҳудудларини архитектура лойиҳавий ташкил этиш”
кафедраси**

**КИЧИК ШАҲАРЛАР ВА ШАҲАР ТИПИДАГИ
ПОСЁЛКАЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ БЎЙИЧА**

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА



САМАРҚАНД 2020

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

Институт илмий услубий
кенгаши томонидан
нашрга тавсия қилинган
Рўйхатга олинди: _____
Баённома № _____
« ____ » _____ 2020г.

«Тасдиқлайман»
Ўқув ишлари бўйича
проректор
_____ А.Р.Рахимов
« ____ » _____ 2020

**“Қишлоқ ҳудудларини архитектура лойиҳавий ташкил этиш”
кафедраси**

**КИЧИК ШАҲАРЛАР ВА ШАҲАР ТИПИДАГИ
ПОСЁЛКАЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ БЎЙИЧА**

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Билим соҳаси: 300000-“Ишлаб чиқариш ва техник соҳа”

Таълим соҳаси: 340000-“Архитектура ва қурилиш”

Бакалаврият таълим йўналиши: 5341000 - “Қишлоқ ҳудудларини
архитектура лойиҳавий ташкил
этиш”

САМАРҚАНД-2020

Ушбу услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикаси қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМҚ, ШНҚ) ва бошқа норматив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган. Услубий кўрсатмада кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги посёлкаларни бош режалари ва ҳудудларини батафсил режаларини комплекс лойиҳалаш масалалари кўриб чиқилган. Услубий кўрсатмада маҳаллий табиий - иқлимий, ижтимоий - иқтисодий ва шаҳарсозлик омиллари таъсири остида лойиҳалашнинг асосий босқичлари келтирилган. Услубий кўрсатма асосий қисми лойиҳалаш амалиётидан олинган мисоллар билан бойитилган. Услубий кўрсатма асосан “Урбанистика - шаҳарсозликни лойиҳалаш”, “Қишлоқ ҳудудларини архитектура лойиҳавий ташкил этиш” ва “Архитектура” бакалавриат таълим йўналишлари ва “Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш” магистратура мутахассислиги талабаларига мулжалланган. Шунингдек, услубий қўлланмадан амалиётчи мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Таблицалар – 3, расмлар – 15 .

Тузувчилар: **Хидиров Мухсин Михайлович** – Архитектура номзоди, доцент, “Қишлоқ ҳудудларини архитектура лойиҳавий ташкил этиш” кафедраси мудири
Эсирганов Фарход Бобурович – “Қишлоқ ҳудудларини архитектура лойиҳавий ташкил этиш” кафедраси архитектура бўйича PhD докторанти

Такризчилар: **Ачилов Ш. Д.** - Архитектура номзоди, “Қишлоқ ҳудудларини архитектура лойиҳавий ташкил этиш” кафедраси доценти
Бадалов А.Б. – «UPS» МЧЖ бош архитектори

“Қишлоқ ҳудудларини архитектура лойиҳавий ташкил этиш” кафедраси йиғилишида қуриб чиқилган. Баённома № ____ март 2020.
Архитектура факультети услубий кенгаши томонидан қуриб чиқилган. Баённома № ____ март 2020

Чиқиш маълумотлари: СамДАҚИ. Формат А4. Буюртма № ____ . Ҳажми 2 б.т.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	6
I БОБ. Курс лойҳасини бажариш тартиби ва услуби.	
1.1. Тайёрлов ва информацион босқичи.....	8
1.2. Ижодий изланиш босқичи.....	8
1.3. Лойиҳани график ишлаш босқичи.	11
II БОБ. Кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги посёлкаларни режавий структураси.	
2.1. Лойиҳалаш жараёнида кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги посёлкалар аҳолисини аниклаш.....	12
2.2. Кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги посёлкаларнинг функционал зоналаштириш	14
2.3. Кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги посёлкалари бош режалари композицион ечимлари	14
2.4. Турар жой ҳудуди.....	15
2.5. Саноат ҳудуди	19
III БОБ. Лойиҳа таркиби ва мустақил ишлаш.	
3.1. Лойиҳа таркиби	19
3.2. Мустақил ишлаш.....	20
3.3. Баҳолаш мезонлари.....	21
3.4. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	23
3.5. Иловалар	25

КИРИШ

Ўзбекистон шаҳарларининг замонавий ривожланиши тухтовсиз урбанизация жараёнида амалга ошади. Бу уз навбатида жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, технологик, маданий ва маиший соҳаларида кузга ташланади ва шаҳарлар аҳамиятининг ушиб бораётганини курсатади. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, ҳудудларнинг анъанавийлигига эътибор бериб, замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талабларини ва технологияларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш, ҳудудни режалаштириш лойиҳалари ҳамда шаҳар, кичик шаҳар, шаҳар типигаги посёлка, туман ва туман марказларини режалаштириш лойиҳалари, аҳоли пунктларининг бош режалари, батафсил режалаштириш лойиҳалари ва ҳудудларга оид бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқиши республикамизнинг ривожланиб боришида алоҳида аҳамият касб этади ва долзарб ҳисобланади. Мамлакатимизни жадал ривожлантиришга қаратилган “Ҳаракатлар стратегиясида” шаҳарсозлик ва архитектурадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек: «Жадал ва барқарор ривожланишга қаратилган бу сиёсат бундан кейин ҳам сўзсиз давом эттирилади»¹. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди таркибига маъмурий жихатдан Қорақалпоғистон Республикаси, 12-та вилоят ва пойтахтимиз Тошкент шаҳри киради. Улар таркиби 163 та туман, 119 та шаҳар ва 115 та шаҳар типигаги посёлкалар ёки шаҳарчалар киради. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида статистик маълумотларга кура 119та шаҳар мавжуд ва шаҳар аҳолиси мамлакат аҳолисининг қарийб 45 фоизини ташкил қилади. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳри ва бошқа йирик шаҳарларда аҳоли сони купайиши бир канча муаммоларни яратиб, ишлаб чиқариш қучларининг

¹ Мирзиёев Ш.М. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 16 январь 2017 й. –Б. 1.

мамлакат ҳудуди буйлаб нотекис ривожланишига ва аҳоли жойлашувининг номутаносиблигига олиб келади. Аммо шаҳарлар аҳолиси купайиши тенденцияси келажакда сакланиб қолади ва бу соҳада ривожланиш тамойилларини олдиндан кура билиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам, кичик шаҳарларнинг республика ҳудудларида мақсадли равишда ривожлантирилиши ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ташкил этилиши ва аҳоли жойлаштирилишини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифалар сирасига киради. Соҳадаги тамойилларни аниқлаган ҳолда кичик шаҳарлар ривожланиши шарт шароитларини урганиш асосий масалалардан бири ҳисоблананди. Республикамиздаги куп сонли кичик шаҳарларни барча қулайликлар ва имкониятларга эга бўлган ривожланган шаҳарларга айлантириш кун тартибидаги долзарб масала ҳисобланади.

Катта ва йирик шаҳарлар аҳолиси кўпайиши бир қатор ижтимоий-иқтисодий ва шаҳарсозлик муаммоларини яратади. Шунинг учун шаҳарсозликдаги тамойилларни аниқлаган ҳолда кичик шаҳарлар ривожланиши шарт шароитларини ўрганиш ва улардан лойихалаш амалиётида ҳозирда долзарб масалалардан бири ҳисоблананди.

Кичик шаҳарлар шаклландиган аҳоли жойлашувининг структуравий-функционал элементи сифатида, турли катталиқдаги ва функционал вазифадаги аҳоли пунктларининг рационал тарзда бирлашган ишлаб чиқариш, муҳандислик-транспорт инфраструктураси, хизмат кўрсатиш тармоғи ва дам олиш жойларининг ўзаро боғлиқ тизими, шунингдек ягона маъмурий – хўжалик бошқаруви орқали алоқаларга эга. Кичик шаҳарларни гуруҳли аҳоли жойлашувидаги аҳамияти ва урнини уларнинг уч йуналишдаги вазифалари асосида куриб чиқиш мумкин: халқ хужалигидаги вазифалари, ижтимоий вазифалари ва гигиеник-соғломлаштириш вазифалари.

I БОБ. Курс лойихасини бажариш тартиби ва услуги.

1.1. Тайёрлов ва информацион босқич

Кичик шаҳарлар ва шаҳар типигаги посёлкаларнинг лойихалаш мақсади – мавжуд табиий-иклимий, ижтимоий-иқтисодий ва шаҳарсозлик маълумотлари асосида комплекс тарзда бош режа ва батафсил режалаштириш лойихаларини ишлаб чиқиш. Ушбу босқич натижаси сифатида функционал ва архитектуравий – режавий масалалар ечими аникланади. Бунинг учун:

- кичик шаҳарлар ва шаҳар типигаги посёлкаларнинг гуруҳли аҳоли жойлашувидаги урни ва аҳамияти аникланади;
- кичик шаҳарлар ва шаҳар типигаги посёлкаларнинг функционал таркибий қисмлари ва улар орасидаги алоқалар аникланади;
- кичик шаҳарлар ва шаҳар типигаги посёлкаларнинг транспорт алоқалари ва пиёдалар йулаклари аникланади;
- кичик шаҳарлар ва шаҳар типигаги посёлкаларнинг асосий магистраллардан қуринишлари шартлари аникланади.

Кичик шаҳарлар ва шаҳар типигаги посёлкалар жойининг рельефи урганилади, мавжуд табиий омиллар (сув манбалари, экинзорлар, тоғу тошлар) аникланади. Худуд график анализи билан бирга кичик шаҳар ва шаҳар типигаги посёлканинг аҳолиси сони, мактабгача таълим муассасалар ва мактаблар сони, маданий – маиший муассасалар сони ва сигими аникланади. Ушбу ишлар 1 : 2000 масштабигаги ҳолат режаси устида бажарилади. Шунингдек, берилган худуд ижтимоий-иқтисодий ва демографик шароитлари урганилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон шаҳарсозлиги ва архитектурасига бир қатор табиий-географик ва муҳит комплексларининг ўзаро таъсири, шаҳарсозлик ва меъморчиликда ҳисобга олинишини комплекс иқлимшунослик фани беради. Амалий қурилиш иқлимшунослик фанининг сезиларли ривожланиши нафақат тегишли меъёрий ҳужжатларда (ШНҚ – “Шаҳар ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш” ва ҚМҚ-

“Турар жой бинолари” “Жамоат бинолари” ва бошқалар), балки барча турар-жой ва жамоат биноларини ва шаҳарсозликда типизациялаштириш масалаларини ечишда табиий-иқлим шароитларини баҳолаш услубларини ишлаб чиқиш, ҳамда районлаштириш услубларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотларда ҳам ўз аксини топган.

Урта Осиё анъанавий шаҳарлари ва тураржой масканлари маҳаллий иқлимий шароитларга мос равишда барпо этилган. Асосий эътибор очик куча ва майдонлар билан боғлиқ бўлиб, бунда асосий ечим шаҳар морфологик тузилиши ва тураржойларнинг тузилиши, яъни уларнинг гиламсимон барпо этилишига қаратилган. Куёш нурларидан химоялаш ва етарли ҳаво алмашувини таъминлаш асосий масалалардан ҳисобланади. Шаҳар морфологияси эса гиламсимон тураржой масканларининг кесиб ўтувчи куча ва майдонлар йуналишлари билан аниқланади. Иқлимий шароитларга асосланган кучалар йуналиши ва уларнинг жойлашувидаги зичлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Иморатлар жойлашуви зичлиги ва уларнинг мос равишда кучалар билан боғланиши очик ҳудудларининг микроиқлимий курсаткичларини аниқлаб беради. Тадқиқотлар шу нарсани курсатадики, юқори даражадаги иморатлар зичлиги куёш нурланишини чеклаб, иқлимий мувозанатни ҳосил қилишга ёрдам беради.

Урта Осиё анъанавий архитектурасида асосий кучалар йуналиши шунингдек эсадиган шамол ва шабодалар йуналишига мос равишда ташкил қилинган. Бу нарса тураржойларни етарли даражада ҳаво алмашувини таъминлайди. Куёш нурланишидан самарали фойдаланиш иморатларни шимол - жануб йуналиши бўйича жойлаштиришни тақозо этади. Иморатларни бундай жойлашуви ёз даврида куёш нурланишидан химоялаш имкониятини яратиб, киш пайтида эса куёш нурланишидан хоналарни иситиш мақсадида фойдаланиш имконини яратади.

1.2. Ижодий изланиш босқичи

Кичик шаҳарлар ва шаҳар типигаги посёлкаларни лойихалаш берилган мавзу бўйича клаузурадан бошланади. Клаузурада бирламчи композицион гоё гипотезаси ифодаланади ва кейинчалик эскиз лойихасида ривожлантирилади.

Клаузура бажарилишининг асосий шартлари:

- а) клаузура аниқ ҳолатга боғланмаган ҳолда бажарилиши мумкин;
- б) табиий муҳит фаол омил бўлиб хизмат қилиб, ижодий гоё ва эстетик қарашлар ифодаси вазифасини бажаради;
- в) клаузура конкрет ижтимоий ва ишлаб чиқариш базага асосланмайди;
- г) клаузурада ҳар бир функционал ҳудуд геометрик ўлчамлари келтириши лозим;
- д) клаузура икки ўлчамли плакат графикаси ёки уч ўлчамли макет шаклида бажарилади.

Кейинги босқичда эскиз лойихаси бажарилади. Унинг асосий вазифалари:

- а) кичик шаҳар ва шаҳар типигаги посёлка урбанистик (шаҳарсозлик) фазовий тузилиши тугрисида тушунча ҳосил қилиш;
- б) кичик шаҳар ва шаҳар типигаги посёлка режавий структурасида функционал зоналар ўлчамлари ва уларнинг умумий ҳудудга нисбатан ўлушини аниқлаш;
- в) кичик шаҳар ва шаҳар типигаги посёлкада аҳолининг яшаш, меҳнат ва дам олиш жойларини ташкиллаштириш лойихавий услубларини урганиш;
- г) кичик шаҳар ва шаҳар типигаги посёлкани лойихавий композицияси ташкил қилишни урганиш;
- д) турли функционал зоналар структурасини урганиш;
- е) эскиз лойихада кичик шаҳар ва шаҳар типигаги посёлка транспорт алоқалари аниқ ва асосланган ҳолда қўйилади ва улар жумдасига қўйидагилар қиради:

- кичик шаҳар ва шаҳар типигаги посёлкани аҳоли жойлашувининг маркази билан боғлайдиган магистрал йул;
- кичик шаҳар ва шаҳар типигаги посёлканинг саноат зонаси билан боғлайдиган йул;
- турар жой билан кесишмайдиган ва саноат зонасини магистрал трасса билан боғлайдиган йул;

ж) кичик шаҳар ва шаҳар типигаги посёлка вертикал пластикаси ва панорамаси устида ишланади .

Ушбу боскичда куйидаги схемаларни ишлаб чиқилиши тавсия қилинади;

- транспорт ва пиёдалар ҳаракати схемаси;
- маданий- маиший муассасалар хизмат курсатиш радиуслари схемаси;
- кукаламзорлаштириш схемаси.

1.3. Лойиҳани график бажариш босқичи

Курс лойиҳасининг ушбу босқичида тасдиқланган эскиз асосида график ечими танланади ва бажарилади. Курс лойиҳаси плакат графикасида ёки аппликация услубида функционал зоналарни турли шартли белгилар ва рангларда курсатиш асосида бажарилади. Шунингдек, курс лойиҳасини уч улчамли макет шаклида ҳам бажарилиши мумкин. Курс лойиҳасини бажариш шакли раҳбар профессор-укитувчи билан келишилган ҳолда талаба томонидан мустақил равишда танланади. Лойиҳа тақдимотининг асосий вазифаси талабаларни ижодий қуникмаларини ривожлантириш ва чекланган материал асосида имкон даражасида янги ва инновацион ечимларни тақдим этиш. Ушбу босқич натижасида кичик шаҳар ва шаҳар типигаги посёлкани функционал зоналарини жойлаштириш ва транспорт алоқаларини курсатиш бажарилади. Лойиҳада транспорт ва пиёдалар ҳаракати схемаси, маданий- маиший муассасалар хизмат курсатиш радиуслари схемаси ва кукаламзорлаштириш схемаси бажарилади.

II БОБ. Кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги посёлкаларни режавий структураси.

2.1. Лойиҳалаш жараёнида кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги посёлкалар аҳолисини аниклаш

Лойиҳалаш жараёнида кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги посёлкалар аҳолисини аниклаш ишлаб чиқаришда банд ишчилар сонига нисбатан аникланади. Масалан, аҳоли пункти шаҳар ташкил қилувчи кадрлар сони топирик бўйича 6670 кишини ташкил қилиши берилган. Аҳоли сони умумий курсатгичи қуйидаги формула асосида аникланади:

$$H = (A - P) \times 100 / T - a - b - n + m - B - y$$

H – аҳолининг умумий сони;

A – Шаҳар ташкил қилувчи кадрлар сони (меҳнат ресурслари нормалари асосида - 6670 киши);

P – Шаҳарга ишлаш учун келадиган меҳнатқашлар, аммо шаҳардан ташқарида яшовчилар абсолют сони;

B – хизмат курсатувчи соҳадагиларнинг аҳолининг умумий сонидаги улуши (19%);

T – меҳнатга лаёқатли аҳоли сони (4450);

a – меҳнатга лаёқатли булганлардан шахсий ва уй хужалида машгул аҳолининг умумий аҳоли сонидаги улуши (3%);

b – меҳнатга лаёқатли кундузги бўлимда тахсил олаётган талабаларнинг аҳоли сонидаги улуши (3,8%);

n – меҳнатга лаёқатли ёшдаги ногиронларнинг аҳолининг умумий сонидаги улуши (0,4%);

m – ишлаб турган нафақахурларни аҳолининг умумий сонидаги улуши;

y – шаҳарда яшовчи, аммо унинг ташқарисида ишловчиларнинг улуши;

Аҳоли пункти буйича турли ёшдагилар улуши

№	Аҳолининг турли ёшдаги гуруҳлари	Турли ёшдаги гуруҳларнинг аҳоли умумий сонидаги улуши	
		Мавжуд ҳолат %	Ҳисобланадиган давр учун
1	7 ёшгача	23,0	
2	7 дан 15 ёшгача	24,0	
3	55 ёшдан юқори (аёллар)	5,0	
4	60 лет ёшдан юқори (эркаклар)	4,0	
	Ҳами номустакил аҳолии	56,0	
5	16 дан 54 ёшгача (аёллар)	22,0	
6	16 дан 60 ёшгача (эркаклар)	22,0	
	Ҳами меҳнатга лаёқали аҳолии	44	
	Ҳами	100%	

Мактабгача таълим муассасалари ва мактаблардаги уринлар сони статистик органлар маълумотлари асосида аникланади:

0 – 6 ёшдагилар 23% (шундан жалб килинадиганлар 75%);

7 – 15 ёшдагилар 24% (шундан жалб килинадиганлар 100%);

16 -17 ёшдагилар 4% (шундан жалб килинадиганлар 72%);

Аҳолининг демографик таркибини оилалар буйича шартли равишда куйидагича қабул киламиз:

1 кишидан иборат оила – 13,1 - 14,3%;

2 кишидан иборат оила – 10,7 – 14,3%;

3 кишидан иборат оила – 32,1 – 35,7%;

4 кишидан иборат оила – 13,3 – 14,3%;

5 киши ва ундан ортик – 14,6 – 21.4%

Аҳоли сонини ҳисоби учун утувчи коэффициентни $K = 5,6$ деб қабул киламиз. Ҳисоблаш даври учун 1 киши учун умумий майдон $18,0 \text{ м}^2$ деб қабул киламиз. Унга асосан тураржой майдони ҳисобланиб, хонадонлар турлари аникланади.

2.2. Кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги посёлкаларнинг функционал зоналаштириш

Кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги посёлкаларда асосан 3 функционал зона ажратилади:

- турар жой зонаси;
- саноат зонаси;
- ташки транспорт зонаси.

Турар жой зонаси куйидагилардан ташкил топади:

- турар жой бинолари худуди;
- жамоат маркази худуди;
- мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари худудлари;
- кукаламзорлаштири ва спорт иншоотлари худуди;
- куча ва майдонлар худуди.

Функционал зоналар буйича худудлар куйидагича тақсимланади:

Турар жой зонаси худуди – 65%;

Саноат зонаси худуди – 20%;

Ташки транспорт ва коммунал зона худуди -15%;

Кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги посёлкаларда ҳар бир функционал зона геометрик улчамлари билан бир каторда узининг зичлиги, “фактураси”, режавий структуранасининг яхлитлиги ёки узилишларга эгаллиги билан тавсифланади. Функционал зоналарнинг узаро қушилиши маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда ташкил қилинади.

2.3. Кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги посёлкалар композицион тузилиши

Кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги посёлкалар композицион тузилиши куйидаги лойҳавий структураларга асосланади:

- компакт схема асосида;
- чизикли схема асосида;
- учоклилиқ схема асосида;
- мунтазам тузилиш асосида;
- эркин тузилиш асосида;
- *ритмик тузилиш асосида;*

- куп уклик тузилиш асосида.

2.4. Кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги посёлкалар

турар жой ҳудудлари

Турар жой зонаси қуйидагилардан ташкил топади:

- турар жой бинолари ҳудуди;
- жамоат маркази ҳудуди;
- мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари ҳудудлари;
- кукаламзорлаштири ва спорт иншоотлари ҳудуди;
- куча ва майдонлар ҳудуди.

Турар жой ва саноат ҳудудларини жойлаштиришда шамоллар йуналиши, жой рельефи, транспорт ва пиёдалар йулаклари каби шароитлар ҳисобга олиниши керак. Турар жой ҳудудлари функционал алоқалари бўйича энг куп тармоқли ҳисобланади. Турар жой ҳудудлари қуйидаги қулай ва оддий боғланишларга эга бўлиши керак: турар жой –жамоат маркази; турар жой мактаб ва мактабгача таълим муассасалари; турар жой -ишлаб чиқариш.

Кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги посёлкалар турар жой бинолари турларини демографик маълумотлар асосида шакллантирилади. Ҳозирда 2, 3, 4 ва 5 хонали хонадонлардан тузилган урта каватли биноларни қурилиши тавсия қилинади. Алоҳида акцент берувчи бино сифатида 9 -12 каватли бинолардан ҳам фойдаланиш тавсия қилинади. Аралаш каватли бинолардан фойдаланиш бир қанча афзалликларга эга: турар жой биноларининг ҳар хил турлари композицион жиҳатдан ранг барангликни яратиб, вертикал композицияда узига хос импульсларни яратади. Турар жой масканларини жойлаштириш учун санитария – гигиеник жиҳатдан энг қулай жойлар танланади. Маданий – маиший, жамоавий савдо ва маъмурий марказ кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги посёлкаларда асосий лойҳавий ва композицион структуралардан бири ҳисобланади. Жамоат маркази таркибида шунингдек парк ҳам жойлаштирилади. Спорт маркази парк билан туташ ҳолда лойҳаланади. Маъмурий-жамоат марказининг функционал

таркиби куйидагиларни уз ичига олади: маъмурий; савдо ва маиший хизмат; маданий - маиший. Маъмурий – жамоат марказини жойлаштириш усуллари:

- аҳоли пункти геометрик марказида;
- аҳоли пунктига асосий магистралдан кириш жойига якинрок килиб;
- саноат зонасига якинрок килиб;

Маъмурий – жамоат маркази, савдо ва маиший хизмат маркази ва маданий – маиший марказ функционал ва композицион жихатдан кичик шаҳарлар ва шаҳар типигаги посёлкаларда асосий таркибий элемент ҳисобланади. Шаҳар паркини марказга якинрок жойлаштириш тавсия қилинади, чунки паркларда турли оммавий тадбирлар ва сайиллар ҳам утқазилади. Спорт мажмуасини паркга туташ ёки алоҳида ҳудудда жойлаштириш тавсия қилинади.

Маъмурий – хужалик муассасалари ҳам жамоат маркази таркибида жойлаштирилади. Мавжуд нормалар асосида ҳар бир муассаса учун 0,05 дан 0,10 гектар жой ажратилади. Турли муассасалар биноларини блоклаштирилиши асосида ташкил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Жамоат марказларининг архитектура – режавий ташкил қилинишининг асосий композицион усуллари куйидагилар:

- ёпик фазовий тузилма;
- узаро қушилиб кетувчи фазовий тузилмалар;
- эркин жойлаштирилган биноларни камраб олувчи ягона фазовий тузилма.

Жамоат марказини биноларини қуриш бўйича асосан турт усул мавжуд:

- алоҳида ихтисослашаган бинолар асосида;
- алоҳида коопералаштирилган бинолар асосида;
- бир бирига туташ бир неча блок асосида;
- битта коопералаштирилган бино асосида;

Маданий – оқартув муассасаларини жойлаштириш. Маданият саройи одатда марказий майдонда лойихаланади. Мадания саройи қошида 0,5 гектар ҳудуд ажратилади. Маданият саройини шунингдек парк ҳудудида ҳам жойлаштириш мумкин. Кутубхонани маданият саройига туташ

жойлаштирилади. Кинотеатрларни аҳолининг ҳар бир минг киши ҳисобидан 20 – 30 уриндик ажратишили ҳисобидан лойихаланади. Ажратилган ҳудуд 0,25 гектарни ташкил қилади.

Савдо, маиший хизмат ва умумий овкатланиш корхоналари. Савдо марказлари қуйидаги блоклардан ташкил топади: аралаш моллар магазини – супермаркет, ресторан, меҳмонхона ва бошқалар. Озик овкатлар магазини хизмат курсатиш радиуси – 500 метр, саноат моллари магазини учун – 1000 метр. Ошхона ва ресторанлар ҳар бир минг киши учун норма бўйича 24 – 40 киши ҳисобидан лойихаланади. Уларнинг хизмат курсатиш радиуси – 500 метр.

Таълим муассасалари бинолари. Мактабгача таълим муассасалари ҳар бир минг киши учун 70 – 90 урин деб белгиланган. Мактабгача таълим муассасалари 50, 90, 140 ва ундан кўпроқ уринга эга бўлишлари мумкин. Уларнинг хизмат курсатиш радиуси – 500 метр. Норма бўйича ҳар бир бола учун 40 кв.метр ажратилади. Ажратилган ҳудуд минимал улчами – 0,2 гектар.

Мактаблардаги уринлар сони ҳар бир минг киши аҳолии учун 70 -90 урин деб белгиланган. Мактаб ҳудудлари 4 қисмдан иборат: уқув-тажриба, спорт, дам олиш ва хужалик зоналари. Мактаб умумий ҳудуди 0,5 – 1,0 гектарни эгаллайди.

Спорт иншоотлари ҳудуди 0,5 – 1,0 гектар майдонни эгаллайди ва унинг таркибига футбол майдони, волейбол майдони, баскетбол майдони, гимнастика машқлар учун майдон ва бошқалар қиради. Спорт ядроси шунингдек очик сузиш хавзасига ҳам эга бўлиши мумкин.

Тиббий – даволаш муассасалари. Касалхона норма бўйича ҳар минг киши учун 4 – 6 койка ҳисобидан лойихаланади. Аммо касалхона сигими 50 койкадан кам бўлмаслиги керак. Касалхона жойлашган майдон 1,0 – 1,3 гектарни ташки қилади. Касалхона турар жой ва жамоат биноларидан камида 50 метр узоқликда жойлашади. Тиббий – даволаш муассасалари таркибига кексалар интернет, санаторий ва дам олиш уйлари, ошхоналари ҳам қиради.

Кексалар интернати хар бир минг кишига 5 урин хисобидан лойихаланади. Худуди 100 кв. метр хар бир урин учун.

Маиший ва коммунал хизматлар муассасалари. Маиший хизматлар мажмуаси хизмат курсатиш радиуси 1,5 километрни ташкил килади. Маиший хизмат мажмуаси савдо маркази бир бинода лойихаланиши мумкин.

Ут учириш депоси хар ун минг киши учун 1-та машина хисобидан лойихаланади. Депо биносида хар бир машина учун норма – 25 кв.метрни ташкил килади.

Транспорт ва пиёдалар харакатини ташкиллаштириш. Турар жой масканлари юкори даражадаги автомобил йуллари билан кесишмаслиги керак. Турар жой биноларига борадиган юк транспорти учун алохида йулар лойихаланади.

Кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги поселкаларда пиёдалар харакати учун кулайликлар яратилиб, улар оркали барча худудлар орасида алокалар лойихаланади. Транспорт йуллари узун ва тугри кисмлардан ташкил топган бир пайтда пиёдалар йулаклари 100 –300 метрдан ташкил топади ва купинча эгри чизикли булади.

Кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги поселкаларда функционал зоналарга ажратиш тургун ҳолатда ташкил килинмасдан, бу соҳада маълум даражадаги эркинликларга йул қуйилади. Ижтимоий инфраструктуранинг полифункционал тизимини ташкил қилиш учун кичик шаҳарлар архитектуравий-режавий структурасини комплекс ёндошув асосида такомиллаштириш талаб қилинади. Хулоса қилиб айтганда кичик шаҳарлар муаммосини бугунги бозор иқтисодиёти ва барқарор шаҳарсозлик шароитида илгаригидек районни режалаштириш деган эскирган тушунча асосида ҳал қилиб бўлмайди. Унинг янгича илмий тамойиллари яратилиши зарур. Бунинг учун кичик шаҳарларни лойиҳалашнинг илмий ва услубий жиҳатдан аллақачон эскирган шаҳарлари лойиҳалашнинг функционалистик усулидан воз кечиб, уни барқарор шаҳарсозлик тизимига кўчириш лозим.

2.5. Ишлаб чиқариш зонаси

Ишлаб чиқариш зонаси турар жойларга нисбатан асосий шамоқлар йуналишини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади. Ишлаб чиқариш зонаси улчамлари саноат корхоналарининг вазифаси, ихтисослашуви ва ҳужалик турига мувофиқ ташкил қилинади. Ишлаб чиқариш зонаси темир ва автомобил йуллари, дарё ва каналлар билан алоҳида қисмларга бўлинмаслиги керак. Турар жойлар ва ишлаб чиқариш функционал зоналари уртасида санитария – ҳимоя зонаси 50 метр кенгликда ташкил қилинади. Ушбу ҳудудда ут учиратиш депоси, ҳаммом, қир ювиш корхонаси ҳам жойлаштирилади.

III БОБ. ЛОЙИҲА ТАРҚИБИ ВА МУСТАҚИЛ ИШЛАШ.

3.1. Лойиҳа тарқиб

“Кичик шаҳарлар ва шаҳар типидagi қоселқаларни” лойиҳалаш бўйича курс лойиҳаси қуйидаги қисмлардан иборат:

1. Кичик шаҳарлар ва шаҳар типидagi қоселқанинг бош режасини ишлаб чиқиш. Бош режа 1,0 X 1,0 метрлик планшетда 1 : 1000 ёки 1:500 масштабда ишланади. Лойиҳада асосий бино ва иншоотлар экспликацияси, ҳудуд баланси, техник-иқтисодий курсатғичлар, ориентация ва шамоқ йуналишлари гули, функционал зоналаштириш счемаси келтирилади.

Схемада функционал ҳудудлар, куқаламзорлаштириш, алоқалар тизими ш ҳизмат курсатиш радиуслари келтирилади.

2. Турар жойлар бинолари турлари курсатилиб, қам қаватли, урта қаватли ва қуп қаватли бинолардан тузилган турар жой қичик районлари ташкил қилинади. Ушбу қизмалар А3 форматдаги альбомда бажарилиб, зарурий тарх ва қирқимлар, рангли тарзлар қерақли улчамлар курсатилган ҳолда бажарилади

3. Кичик шаҳарлар ва шаҳар типидagi қоселқаларнинг ишлаб чиқариш базаси ҳисобланадиган аграр саноати қорхонасининг тегишли қизмаларини А3 форматда бажарилади. Альбомларда аграр саноати қорхонасини тарх ва қирқимлари, ҳамда тарз рангли қизмалари, бош режа ва қорхонанинг жойлашуви курсатилади. Қизмалар талаб даражасида бажарилиб, барча

улчамлар курсатилади.

4. Кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги поселкаларнинг жамоат маркази батафсил режаси ишлаб чиқилади ва унда барча инфраструктура (масалан куча ва майдонлар) курсатилади. Ушбу лойиҳа ҳам А3 форматдаги албомда бажарилади. Лойиҳада жамоат марказининг барча бинолари ва уларга туташ ҳудудлар улчамлари курсати лган ҳолда курсатилади.

5. Лойиҳа тушунтириш хати А4 форматда бажарилади. Унда кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги поселкаларнинг аҳоли сонини ҳисоблаш ва лойиҳа ечимлари тугрисида маълумотлар келтирилади.

3.2. МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги поселкалар қандай функционал зоналардан ташил топади.
2. Кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги поселкаларни лойиҳалашда норматив талаблари.
3. Кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги поселкаларнинг жамоат марказлари композицион ечимлари
4. Аграр саноати корхонасининг лойиҳалаш учун норматив ҳужжатлар.
5. Аграр саноати корхонасининг жойлаштириш талаблари.
6. Турар жой зонасида қандай элемент асосий ҳисобланади.
7. Турар жой зонасини реконструкциясини амалга ошириш учун нималарни ҳисобга олиш талаб қилинади.
8. Кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги поселкаларнинг жамоат марказини ташкил этиш талаблари.
9. Кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги поселкаларнинг хизмат курсатиш тизими нимадан иборат.
10. Ишлаб чиқариш зонаси бош режада қандай жойлаштирилади.
11. Ҳудуд инсоляцияси нима дегани ва у нимага керак.
12. Аҳоли жойлашувининг гуруҳли тизими нима.
13. Шаҳар ва кишлоқ аҳоли пунктлари хусусиятлари.
14. Агломерацияда тебрана миграция тушунчаси.

15. Турар жой бинолари типологияси.
16. Жамоат бинолари типологияси.
17. Кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги поселкаларнинг турар жой ҳудудларини лойиҳалаш тартиби.
- 18. Кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги поселкаларнинг лойиҳалашда табиий шароитларни ҳисобга олиш.**
19. Кичик шаҳарлар ва шаҳар типдаги поселкаларда санитария - химоя зонасини ташкил қилиш.
20. Мактабгача таълим муассасалари ва мактабларнинг жойлаштириш талаблари.

3.3. БАҲОЛАШ ТАРТИБИ ВА МЕЗОНЛАРИ

1. Самарканд давлат архитектура қурилиш институтида “Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида низом”га асосан **“Шаҳар типдаги аҳоли яшаш жойларини лойиҳалаш”** фани бўйича талабанинг ўзлаштириш даражаси қуйида келтирилган назорат турлари баллари орқали ифодаланади.

2. **“Шаҳар типдаги аҳоли яшаш жойларини лойиҳалаш”** фани бўйича талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда бутун сонлар билан баҳоланади.

Ушбу 100 балл назорат турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

Жорий назорат(ЖН) — 40 балл.

Оралиқ назорат(ОН) — 30 балл.

Якуний назорат (ЯН) — 30 балл.

“Шаҳар типдаги аҳоли яшаш жойларини лойиҳалаш” фанидан талабалар билимини баҳолаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади.

Рейтинг назорати тартиби

Жорий назорат	Оралиқ назорат	Якуний назорат
Мах 40,0 б	Мах 30,0 б	Мах 30,0 б
86-100%=34,4-40,0 б («аъло»)	86-100%=25,8-30,0 б (“аъло”)	86-100%=25,8-30,0 б (“аъло”)
71-85%=28,4-34,0 б («яхши»)	71-85%=21,3-25,5 б («яхши»)	71-85%=21,3-25,5 б («яхши»)
55-70%=22,0-28,0 б («қониқарли»)	55-70%=16,5-21,0 б («қониқарли»)	55-70%=16,5-21,0 б («қониқарли»)
0-54%=0-21,6 б («қониқарсиз»)	0-54%=0-16,2 б («қониқарсиз»)	0-54%=0-16,2 б («қониқарсиз»)
10+10+10+10=40	10+10+10=30	10+10+10=30

Рейтинг баҳолаш мезонлари

Жорий назорат Мах 40,0 б

- 10 балл- Дастлабки маълумотлар қўлланиши;
- 10 балл- Шаҳар типдаги аҳоли сонини аниқлаш;
- 10 балл- Худудларга ажратиш;
- 10 балл- Эскиз тузиш;

Оралик назорат Мах 30,0 б

- 10 балл- Турар жойларни аниқлаш;
- 10 балл-Шаҳар типдаги аҳоли жойлари марказини жойлашувини хал этиш;
- 10 балл- Транспорт йўллари режалаш ва топиш;

Якуний назорат Мах 30,0 б

- 10 балл- Лойихани графикасини танлаш ва ишлатиладиган рангларни хал этиш;
- 10 балл- Шаҳар типдаги аҳоли жойларини техник-иқтисодий кўрсатмаларини аниқлаш ва ҳисоблаш;
- 10 балл- Лойиха батафсил ҳолда бажарилганлиги.

Талабанинг “Шаҳар типдаги аҳоли жойларини лойиҳалаш” фани бўйича семестрдаги рейтинги қуйидагича аниқланади.

$$R_1 = V \times O^1 \cdot 100$$

V – семестрда фанга ажратилган умумий ўқув юклараси. (соатларда).

O¹ – фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

“Шаҳар типдаги аҳоли жойларини лойиҳалаш” курс лойиҳасини

баҳолаш мезонлари ishlanmasi

T/г	Nazorat turlari	Amaliy darslar uchun ball	Mustakil ish uchun ball	Jami ballar
1	Жорий баҳолаш (ЖБ)			
	1.1.Лойихани эскиз гоёси устида ишлаш	8	6	14
	1.2. Лойихани эскиз гоёсини баҳолаш	10	8	18
	1.3.Лойихани каламда тугалланганлигини баҳолаш	10	8	18
	1.4. Лойихани график усулда тугалланганлигини баҳолаш	12	8	20
	Жами жорий баҳолаш баллари	40	30	70
2	Оралик Баҳолаш (ОБ)	-	-	-
3	Якуний Баҳолаш (ЯБ)	30	-	30
Хаммаси				100

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 26 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-2595-сон Фармони// *ЎР ҚХТ*
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастури// *ЎР ҚХТ*
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 августдаги «Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-165-сон Қарори// *ЎР ҚХТ*
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 27 апрелдаги «Архитектура ва қурилиш соҳасидаги ишларни ташкил этиш ва назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 165-сон қарори// *ЎР ҚХТ*
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 14 августдаги «Шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар типдаги посёлкаларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ва уларни қуриш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 320-сонли қарори// *ЎР ҚХТ*
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 2009 йил 9 мартдаги “Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 59-сонли қарори// *ЎР ҚХТ*
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори, 2019 йил 18 январдаги “Ўзбекистон Республикасида “Аккли шаҳар” технологияларини жорий этиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги” 48-сонли қарори// *ЎР ҚХТ*
9. Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик кодекси. Тошкент, 2012.
10. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш. ШНҚ 2.07.01 – 03* Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш

қўмитаси, Тошкент, 2012.

11. Ҳудудларни ривожлантириш ва қурилишини ривожлантириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқариш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. ШНҚ 1.03.02 -04*

Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Тошкент, 2009.

12. Ўзбекистон Республикасида шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларини режасида фуқаро муҳофазасининг муҳандислик – техник тадбирлар бўлимининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, тегишли идоралар билан келишиш ва тасдиқлашга доир йўриқнома. ШНҚ 1.03.11- 07.

Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура қурилиш қўмитаси, Тошкент, 2007.

13. Архитектурно-планировочная организация селитебной зоны сельского, поселка в условиях Узбекистана. Методические рекомендации. Самарканд: СамГАСИ, 1988. - 28 с.

14. Ата-Мирзаев О.Б. Региональное прогнозирование расселения и управление процессом урбанизации. – Ташкент: Фан, 1979. – 92 с.

15. Бакирханов Ф.Ф. Эволюция формирования и преемственность развития расселения на территории Республики Узбекистан: Автореф. дисс. канд. арх. – Ташкент, 1998. – 22 с.

15. Бакирханов Ф.Ф., Турсунов Х.К. Градостроительный потенциал регионального расселения. – Ташкент: АКАТМ, 2001. – 112 с.


16. Багиров Р., Моисеева С. Формирование общественных центров сельских населенных мест. П.; ЦНТИ, 1972.

17. Исамухамедова Д.У. “Шаҳарсозлик асослари”. Ўқув қўлланма. Т, 2000 й.


18. “Концепция развития градостроительства Узбекистана в условиях формирования новых социально-экономических отношений”. Т, Издательство ТАСИ. 2008 г.

19. Квасов Н.Ф. Учебно-методическое пособие для решения проекта планировки и застройки поселка городского типа. / МарХИ.М, 1985й


Иловалар




Кичик шаҳар функционал зоналари: 1-Тураар жой зонаси; 2-Саноат зонаси; 3-Ташки транспорт зонаси; 4-Коммунал-хужалик зонаси; 5-Кукаламзорлаштирилган ҳудуд; 6-Санитария химоя зонаси; 7-Дарё йуналиши; 8-Шамол асосий йуналиши.




Кичик шаҳар ҳудудий ривожланиши






Кичик шаҳар структуравий тузилиши: 1-Турар жой ҳудуди; 2-Жамоат маркази; 3-Саноат зонаси; 4-Коммунал-хужалик зонаси; 5-Спорт маркази; 6-Савдо маркази; 7-Кукаламзорлаштирилган ҳудуд; 8-Санитария химоя зонаси; 9-Шаҳар чегараси.

а)




б)



Жамоат марказлари ечимига доир вариантлар:

а – жамоат маркази перспективаси; б – режавий вариантлар; 1 – маданият саройи; 2 – хокимият биноси; 3 – савдо маркази; 5 – монумент; 6 – турар жой; 7 – почта; 8 – спорт зали; 9 – бозор; 10 – мактаб; 11 – бассейн; 12 – сув ствнцияси; 13 – супермаркет; 14 – мехмонхона; 15 – автостанция.




Кичик шаҳарда паркни лойihalаш



Кичик шахар турар жой худуди





Кичик шаҳар турар жой ҳудудининг схемалари






Кичик шаҳарда турар жойларни жойлаштириш схемаси



Кичик шаҳарда кукаламзорлаштириш схемаси



Кичик шахарда транспорт схемаси



Кичик шахарда пиёдалар йулаклари схемаси